

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2021 йил
2 апрел,
жума
№ 12 (837)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирусга қарши курашиш чоралари белгиланди

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 апрель кун аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирусга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, 2020 йил 12 ноябрда давлатимиз раҳбарининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш тўғрисида фармони, тиббий профилактика ишлари самардорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қарори қабул қилинган эди. Уларга мувофиқ, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ва даволаш услубларини ўзгартириб, бу борада янгича тизим ташкил этила бошланганди.

Йиғилишда ушбу вазифалар ижроси ҳақида сўз борар экан, Президент унга саволни ўртага қўйди:

биринчи — жорий этилган янги тизим бўйича тиббий тартиб шакллантирилгани, аҳолининг хавф гуруҳларига бўлингани нимани кўрсатди?

иккинчи — маҳаллалар кесимида тиббиёт бригадалари шакллантирилиб, аҳоли билан манзилли ишлаш бошлаганидан қанча одам рози бўлди? учинчи — тиббиёт муассасаларида қайси хизматлар бепул бўлди?

Ҳозирги аҳвол талабга жавоб бермаётгани, соҳадаги ўзгаришларни аҳоли тезроқ сезиши кераклиги таъкидланди. Ислохотларни жадаллаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга Бош вазир ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазирли ва унинг ўринбосарларидан масъуллар бириктирилди.

Президентнинг 12 ноябрдаги яна бир қарорига кўра, Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов ўтказилди. Йиғилишда Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи мазкур янги тизим натижалари ҳақида ҳисобот берди.

Айтиб ўтилганидек, Сирдарё вилоятининг 236 та маҳалласини тўлиқ қамраб олиш учун 421 та тиббиёт бригадаси ташкил этилган. Аҳолининг саломатлик ҳолати хатловдан ўтказилиб, улар 4 та хавф гуруҳига ажратилган ва вилоятнинг "электрон

тиббий харитаси" яратилган.

Мисол учун, Боевот туманида 31 минг аҳоли ўзини соғлом деб билса-да, ортиқча вазн, нотўғри овқатланиш, зарарли одатлар туфайли уларда юрак-қон томир, диабет, ўпка касаллиқларига чалиниш эҳтимоли юқори экани аниқланган. Шунингдек, илгари шифокорга мурожаат қилмаган 257 нафар фуқарода касалликлар оғир босқичда экани маълум бўлган.

Давлатимиз раҳбари бу тажрибани тизимли давом эттириб, барча ҳудудларда жорий этиш бўйича кўрсатма берди. Бунинг учун қишлоқ ва маҳаллаларда тиббиёт бригадалари ташкил этилиб, аҳолини манзилли кўриқдан ўтказиш ва даволаш ишлари олиб борилади, ҳудудларнинг "тиббий хариталари" шакллантирилади.

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг вертикал иш тизимини такомиллаштириб, уларни оилавий шифокор пунктлари билан боғлаш зарурлиги таъкидланди. Яъни, беморларни овора қилиб пойтахтга юбормасдан, уларга яшаш жойида маҳалла тиббий ёрдам олиш имкониятини яратиш керак.

Ўтган йили ихтисослаштирилган марказларда даволанишга муҳтож 84 минг нафар бемордан атиги 51 минг нафари бепул ордер билан таъминланган.

Президент ордерлар учун маблағни деярли 1,5 бараварга кўпайтириб, қўшимча 80 миллиард сўм ажратиб бўйича Молия вазирлигига кўрсатма берди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга, йил якунига қадар ҳар бир беморни соғломлаштириш манзили ва муддатларини белгилаб, даволашни ташкил этиш бўйича вазифа қўйилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ўз йўналиши бўйича ҳудудлардаги 3 мингдан зиёд оилавий шифокорни қисқа муддатли курсларда ўқитадиган бўлди.

Яна бир масала — бугунги кунда донор беморнинг яқин қариндоши бўлмасан, трансплантацияга рўхсат берилмаган. Оқибатда, кўпчилик фуқароларимиз бундай амалиётни чет элда ўтказишга мажбур бўлмоқда. Шу боис инсон аъзолари трансплантациясининг қонуний асосларини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Тиббий хизматлар қармовини кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда хусусий тиббиёт ташкилотлари

учун барча ҳуқуқий асослар, имкониятлар яратилган. Лекин ҳудудларда касалликларнинг турига қараб, хусусий шифо масканларини ташкил этиш ишлари етарли даражада эмаслиги қайд этилди.

Мисол учун, аҳоли орасида эҳтиёж юқори бўлган гемодиализ, тиббий диагностика ва реабилитация хизматлари бўйича хусусий клиникалар етишмади.

Мутасаддиларга давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни кўпайтириш, 170 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларини компьютер томография билан таъминлаш, улардан фойдаланиш бўйича ходимлар малакасини ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Соҳадаги коррупция иллатига ҳам тўхталиб ўтилди. Ўтган йили тизимда 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағ талон-тороқ қилинган айтилди. Шунинг учун, таъсирчан назорат тизимини ўрнатиб, ажратилаётган маблағлар жойига етиб бориши, дори-дармон ва тиббиёт ускуналарининг очик-ошкора сотиб олинishi, пуллик хизматлардан тушумлар мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, бу борада чекка ҳудудларда эҳтиёж юқорилигини инобатга олиб, "Қишлоқ шифокори" дастури қабул қилинган эди. Бундай жойларда ишламоқчи бўлган шифокорларга 30 миллион сўм пул берилиши белгиланиб, бу мақсадлар учун бюджетдан 20 миллиард сўм ажратилган. Лекин, орадан 4 ой вақт ўтган бўлса-да, бирорта талабгор билан шартнома имзоланмаган. Ваҳоланки, бугунги кунда олис ва чекка ҳудудлар учун 220 нафар шифокор зарур. Бундан ташқари, ҳудудларда 10 минг нафар тор мутахассис етишмайди.

Шу боис келгуси ўқув йилидан клиник ординатуранинг қабул квотаси икки бараварга оширилиши белгиланди. Ушбу янги тизимда ординаторлар ўқув жараёнининг ярмини олийгоҳ ва ихтисослашган марказларда, қолган ярмини эса иш жойида давом эттиради. Вилоят ҳокимлари ўз ҳудуди учун зарур бўлган тор мутахассисликдаги шифокорларни тайёрлаш учун маҳаллий бюджетдан грант ажратади.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга алоҳида тўхталди.

— Жорий йил бошида кунига ўртача 30-40 нафар бемор аниқланган бўлса, март ойи ўрталаридан бу кўрсаткич 160-180 нафарни ташкил этмоқда. Касалликнинг ўта оғир кечиши, ҳаттоки ўлим ҳолатлари ҳам қайд этилмоқда. Бунинг сабаби — кўпчилик фуқаролар хотиржамликка берилиб, тиббий ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш каби карантин талабларига бефарқ бўлиб қолди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бош вазирга коронавирусга қарши курашиш бўйича ҳудудий штаблар фаолиятини кучайтириш, туну кун ишлайдиган "колл-марказ"лар ва мобил бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди. Дори-дармон ва химоя воситаларининг камида 3 ойлик захирасини шакллантириш, ҳудудларда 60 та кислород станциясини ишга тушириб, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларини кислород билан узлуксиз таъминлаш вазифаси қўйилди.

— Афсуски, бу балонинг охири кўринмапти. Европа давлатлари яна локдаунга қиряпти. Қўшниларимизда ҳам аҳвол яхши эмас. Хавф ёнимизда юрибди. Шунинг учун оғоҳ бўлишимиз керак. Олдин қандай ишлаган бўлсак, шу тартибни тиклаймиз. Худо кўрсатмасин, шунча қилган ҳаракатимиз беркорга кетиши мумкин. Иқтисодиёт нуқтаи назарини жуда катта марралар қўйганмиз. Агар ёпилиб қолсак, бу натижаларга эришолмаймиз. Ҳеч қаерни ёпмаймиз, лекин тартиб-интизомни кучайтираемиз. Касалланганларни ҳам тез-тез даволаш чораларини кўриш керак, — деди Президент.

Апрель-июнь ойларида хавф гуруҳига мансуб 4 миллиондан ортиқ аҳолини коронавирусга қарши эмлаш режалаштирилган. Ҳозирда 660 минг доза вакцина олиб келинган. Ҳукумат комиссиясига Хитойдан 1 миллион доза вакцина сотиб олиш бўйича кўрсатма берилди.

Фуқароларни яшаш манзили бўйича эмлаш кунини ва жойи ҳақида хабардор қилиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳофизат қилинган масалалар бўйича вазирлар, ҳокимлар ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Сўнгги йилларда республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва натижадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республикани инновациялар соҳасидаги глобал рейтингда илгор 50 та мамлакат рўйхатига киритишга қаратилган стратегик дастур тасдиқланди, илмий лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги механизми жорий этилди, илм-фан соҳасида юқори маҳоратли кадрларни молиявий рағбатлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилди.

Шундай бўлса-да, мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар илм-фан ва инновация соҳасида давлат бошқаруви меха-

низмларини такомиллаштириш, илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантиришда шаффофликни ошириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Миллий илм-фан ва инновация тизимининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнини ошириш, ҳудудларда инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб:

1. Қуйидагилар Инновацион ривожланиш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) асосий вазифалари этиб белгилансин:

(Давоми 2-бетда) ►

Кафолат

Мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатларининг такомиллаштирилиши

аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга хизмат қилади



Аввало шунини айтиш керакки, Конституциямизнинг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофизат этилишини кафолатлайди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд мажлислари жадвали тизими (jadval.sud.uz)



Олий суднинг Интерактив хизматлар порталида (my.sud.uz) "Мажлислар жадвали" руқни остида судларнинг биринчи, апелляция ва кассация инстанцияларида суд мажлисига тайинланган ишлар рўйхати билан онлайн тарзда танишиш имконини берувчи ахборот тизими жорий қилинган.

Мазкур тизим орқали фуқаро суд биносига келмасдан ёки суднинг чақирув ҳужжати (ажрими) етиб боргунга қадар суд мажлисига тайинланган ишларнинг санаси ва вақти, шунингдек, ишни кўрадиган судьянинг исм-шарифи ҳақидаги маълумотлар билан онлайн тарзда танишиши мумкин.

Тикланган ҳуқуқ

Ассосиз даъво

суд томонидан рад этилди,
тадбиркорнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди

Қувасой шаҳри давлат солиқ инспекцияси Фарғона туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритиб, шаҳардаги "SUBMARINE SHARK" масъулияти чекланган жамиятига 106 миллиард 982 миллион 114 минг 262 сўмлик молиявий жарима қўллашни сўраган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, "SUBMARINE SHARK" масъулияти чекланган жамиятнинг айби нима, нега унга нисбатан молиявий жарима қўллаш керак бўлиб қолди? (Давоми 2-бетда) ►

Фуқаролик қонучилиги

Қарз — лафз демак

унга хиёнат қилиб бўлмайди



Бу ҳаётда ўзаро ишонч ва шартнома шартларига қатъий амал қилиш жамиятда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг нанини мустаҳкамлайди, балки мамлакат тараққиёти учун ҳам муҳим омил ҳисобланади. Ўз-ўзидан маълумки, бу жиҳатларга эътиборсизлик, қонунларга нописандлик билан қараш ортиқча оворатарчиликларга сабаб бўлади. (Давоми 4-бетда) ►

Яқинда Жиззах вилояти

суду кассация инстанцияси ажрими билан биринчи босқич судининг ҳукмига асосан, Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор топилиб, жазога тортилган Зифа Умурзоқова ва Асрор Ишматов оқланди. Бундан ташқари мазкур жиноят иши бўйича йўл қўйган хато-камчиликлари учун тергов органи ва биринчи босқич суди судьясига нисбатан хусусий ажрим чиқарилди.

Қонун кўмаги

Ҳамшира ишли бўлди

суд жавобгарга ногиронни ишга қабул қилиш мажбуриятини юкляди

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган, меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган ногиронлиги бўлган шахсларни муҳофизат қилишга алоҳида эътибор берилиб, қамқорлик кўрсатишмоқда. Уларни мақбул келадиган ишга жойлаштиришнинг аниқ, қонуний ҳамда асосли тартиби ишлаб чиқилган.

Бунга мисол сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофизатга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирга қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомни кўрсатиш мумкин. (Давоми 3-бетда) ►

Оқлов

Ҳақиқатнинг узок йўли



Хўш, воқеа тафсилотлари нималардан иборат? Бу саволга жавоб бериш учун жиноят иши бўйича жабрланувчи деб эътироф этилган ака-ука Нурпўлат ва Шаҳриёр Турсуновлар (исм-шарифлар ўзгартирилди) билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни батафсил баён этиш зарур.

(Давоми 2-бетда) ►



Ушбу Низомга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий муҳофизатга, иш топишга қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган муҳтожлар тоифасига қиради. (Давоми 3-бетда) ►

Тикланган ҳуқуқ

Ассосиз даъво

суд томонидан рад этилди,
тадбиркорнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аниқланишича, масъулияти чекланган жамият 2020 йил 13 июлдан 26 октябрга қадар 11 та корхона ҳамда 6 та фермер хўжалигининг 28 миллион 351 минг 764 АҚШ доллари миқдоридаги муддати ўтган дебитор қарздорлигини қабул қилмаган. Марказий банк ва Фаргона вилояти божхона бошқармасининг тегишли маълумотномаларида "Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими"да 2020 йил 1 октябр ҳолатига кўра, "SUBMARINE SHARK" масъулияти чекланган жамиятининг ташқи савдо операциялари бўйича 13 миллион 970 минг 763 АҚШ доллари миқдорига муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжудлиги қайд этилган. Қувасой шаҳри давлат солиқ инспекцияси эса, ана шу маълумотларга таяниб, судга даъво ариза киритган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 24-бандига асосан экспорт контракт бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарларга нисбатан "экспорт" божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан, хизматларга (ишларга) нисбатан эса, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак. Бундан энгил бўлмайдиган куч (форс-мажор) таъсири юзга келган ҳолатда хорижий валютадаги тушумнинг тушиши муддати ушбу таъсир юз берган давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган энгил бўлмайдиган кучнинг амал қилиши даврига узайтирилади. Қолаверса, ушбу Низомнинг 27-бандига мувофиқ чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида товарларни юртимизга олиб кириш ва расмийлаштириш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиши 30 банк кунидан ортқ таъминламаган импорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 60 банк кун) белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин 180 кунга кечиккандан тушмаган валюта маблағлари ёки "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоизи, 180 кундан 365 кунга кечиккандан 20 фоизи, 365 кундан ортқ кечиккандан 70 фоизга тенг миқдорда бюджетга қўшимча жарима тўлайди.

Бинобарин, Қувасой шаҳри давлат солиқ инспекцияси ушбу Низом талабларидан келиб чиқиб, жавобгарга нисбатан 106.982.114.262 сўмлик жарима қўллаши сўраган. Бироқ судда кўрсатма бер-

ган Фаргона вилояти божхона бошқармаси мутахассиси "SUBMARINE SHARK" масъулияти чекланган жамияти қабул қилиб олинган дебитор қарздорликлар учун жавобгар эмаслигини, аксинча, хорижий корхона билан экспорт ва импорт шартномасини тузган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жарималар қўлланилиши кераклигини билдирди.

Ана шу асосларга биноан суд хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жарималар қўлланилиши ноинбагга олиб, Қувасой шаҳри давлат солиқ инспекциясининг даъво аризасини қаноатлантириши рад этди. Бунга солиқчиларнинг молиявий жарима бўйича даъво ариза киритишда қонун талабларини бузишгани сабаб бўлди.

Чунки Иқтисодий процессуал кодексининг 200-моддасида "Ишни кўриш вақтида давлат органи ёки бошқа орган, юридик шахс, мансабдор шахснинг ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир. Хусусий ажрим билан суд тегишли органдан ёки мансабдор шахсдан қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида"ги масалани ўзларининг ваколатига мувофиқ кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин. Хусусий ажрим тегишли давлат органлари ва бошқа органлар, юридик шахслар, мансабдор шахслар, фуқароларга юборилади. Улар қўрилган чоралар тўғрисида бир ойлик муддатда судга хабар қилиши шарт. Агар суд низон кўраётганида шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят амалларини аниқласа, у яноят ишнинг кўзатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун бу ҳақда прокурорга тегишли материалларни илова қилган ҳолда хабар қилади" деб белгиланган.

Шу боис суд даъво талабларини рад этиш билан бирга Қувасой шаҳри давлат солиқ инспекциясининг "SUBMARINE SHARK" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги талаби, ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими дастурида 28.351.764 АҚШ доллари миқдорига муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги шаклланиши, жавобгар ва 17 та хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган экспорт шартномаси бўйича қабул қилиб олинган дебитор қарздорлигини қонунийлиги ҳамда дастурга киритилган маълумотларга ҳуқуқий баҳо бериш бўйича хусусий ажрим чиқариб, Давлат Солиқ қўмитасига юборди.

Кўриниб турганидек, масалага юзаки ёндошилгани туфайли тадбиркор сарсон бўлди. Суд ёрдамида бузилган ҳуқуқлари тикланган тадбиркор бошидан ўтказган воқеа тафсилоти бошқаларга ҳам сабоқ вазифасини ўтати зарур. Зеро, ҳар бир ишда қонунга риоя этган киши ҳеч қачон ютқазмайди.

Хусниддин ЖАМОЛИДДИНОВ,
Фаргона туманлараро иқтисодий суди судьяси
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

ИЛМҲИ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг узок муддатли сценарийлари асосида **устувор соҳа ва тармоқларни илм-фан ютуқлари ва инновациялар асосида ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш; ҳудудларнинг интеллектуал ва технолоик салоҳиятини ошириш**, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантириш, тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш; илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш; ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш ва улар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

илмий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларни кенг жалб этиш, хусусий сектор фаоллигини ошириш ва венчур асосланган молиялаштиришни ривожлантириш;

инновацион ишланмалар асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг молиявий, иқтисодий ва техник экспертизасини ўтказиш ва интеллектуал мулк объектларини таътиб этиш учун зарур шароитларни таъминлаш; иқтисодийнинг реал сектори ва ишлаб чиқариш тармоқларининг илмий ишланма ва инновацияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда тармоқ илмий-тадқиқотларни ривожлантириш асосида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, стартап лойиҳаларини амалга ошириш, интеллектуал мулк қатнашадиган янги ташкилотларни шакллантириш ва рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш учун зарур шароит яратиш;

илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, инновациялар ва технологиялар трансфери бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Қуйидагилар **Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021-2022 йиллардаги устувор фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

биотехнологияларни ривожлантириш соҳасида биофармацевтик маҳсулотлар, рекомбинант ва ДНК вакциналар, биотиббиёт ташхислаш технологиялари ҳамда ҳудудлар хусусиятидан келиб чиқиб ген ва ҳужайра муҳандислиги асосланган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги биотех-

нологик навларини яратиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш соҳасида тупроқ ресурслари ҳолатини комплекс мониторинг қилиш тизими ҳамда ресурс тежамкор суғориш ва ўғитлантириш агротехнологияларини яратиш, бунда ҳудудларда мобиль лабораториялар тармоғини ташкил этиб, тупроқдаги мавжуд фойдали ва зарарли моддаларни аниқлаш асосида қишлоқ хўжалиги экинларининг агрохимёвий хариталарини ишлаб чиқиш;

"сунъий интеллект"ни жорий этиш соҳасида йўл транспорт инфратузилмаси, таълим ва суд тизимида "акли" инновацион технологияларни яратиш;

қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш соҳасида мўқобил ва экологик тоза энергия манбаи — "яшил" водородни ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллаш бўйича инновацион технологияларни яратиш;

чорвачиликни ривожлантириш соҳасида генетика усулларини қўллаш орқали чорва зотларининг генотипини кўпайтириш ва гўшт маҳсулотларини ошириш, емозука базасини кенгайтириш бўйича инновацион технологияларни жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида қайта ишлаш самардорлигини оширишга қаратилган қишлоқ хўжалиги техникасининг инновацион конструкцияларини ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг янги технологияларини яратиш.

3. Қуйидагилар: **Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021-2022 йиллардаги устувор фаолият йўналишларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар дастури) 1-иловага мувофиқ;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021-2022 йиллардаги фаолият натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, чора-тадбирлар дастури доирасида: **Инновацион ривожланиш вазирлиги** — лойиҳалар (ишланмалар)ни ташаббус қилиш (яратиш) ва амалга оширишда кўмаклашадиган, инновацион технологиялар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштирадиган ҳамда белгиланган тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилиши устидан тизимли мониторинг олиб боради;

илмий ташкилотлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар — ҳар бир лойиҳа (ишланма)ни амалга ошириш (яратиш) учун чуқур илмий-тадқиқот ва тажриба-конструктор ишларини амалга оширади ҳамда уларнинг тегишли

тармоқларга жорий этилишини таъминлайди.

Вазирлик чора-тадбирлар дастурида белгиланган лойиҳалар (ишланмалар)ни молиялаштиришга венчур жамғармалари ва хусусий сектор вакиллари кенг жалб қилсин.

4. Ҳудудларда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида Вазирлик тизимида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки: Вазирликка юклатилган асосий вазифалар ва функцияларнинг ҳудудлардаги ижроси ҳудудий бошқармалар томонидан амалга оширилади;

ҳудудий бошқармалар томонидан шакллантирилган илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ҳудудий бошқармалар зиммасига юклатилади;

ҳудудлардаги илм-фан ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Инновацион фаолият ва технологиялар трансфери марказлари фаолиятини ҳудудий бошқармалар томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Инновацион ривожланиш ва новаторлик голярини қўллаб-қувватлаш жамғармаси унга Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармасини ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини қўшиб олиш йўли билан **Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта ташкил этилсин.

Белгилансинки: Жамғарма мазкур банднинг биринчи хатбосидаги ташкилотларнинг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

илмий фаолиятга оид давлат дастурларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилмаган маблағлар Жамғарма томонидан молиялаштирилади.

6. Барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган ийрик ташкилотларда амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бириги инновацияларини жорий

этиш (Chief Innovation Officer) вазифаси юклатилсин.

Инновацияларни жорий этиш вазифаси юклатилган раҳбар ўринбосарларининг тегишли йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Вазирликка юклатилсин ҳамда уларнинг базавий лавозим маошига ҳар ойда 30 фоиз миқдорда устама тўлансин.

7. **Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда инновацион ҳудудга айлантирилган туманлар рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик (И.Ю.Абдурахмонов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан бирга қанда бир ой муддатда 3-иловада кўрсатилган туманларни инновацион ҳудудларга айлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Наманган вилояти Чуст тумани ҳокимлиги бошқаруви аппаратида ҳокимликнинг умумий штат бириклари чекланган сони доирасида туман ҳокимининг инновацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими (кейинги ўринларда — ҳоким ўринбосари) жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки: ҳоким ўринбосари Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг тавсияномаси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Чуст туманида янги ҳудудий инновацион инфратузилмалар яратиш ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида "Яшновод" инновация технопарки резидентларини экстерриториал таъминоти асосида Чуст тумани ҳудудига жойлаштиришга рухсат этилади.

9. Вазирлик томонидан илмий ташкилотлар рейтинг юритилаётганлиги ҳамда уларнинг илмий ва инновацион фаолиятини баҳолаш тизими жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик ҳамда Олий вайро тахсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини баҳолаш тизимини жорий қилиш**.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Вазирлик томонидан ҳар қандай йил якуни бўйича **илмий ташкилотларнинг** ҳамда ҳар ўқув йили якуни бўйича **олий таълим муассасаларининг илмий ва инноваци-**

он фаолият баҳоланади;

Вазирлик баҳолаш натижаларига кўра олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар раҳбарлари, шу жумладан, ректор (директор) ҳамда уларнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорига (директор ўринбосарига) нисбатан **рағбатлантириш ёки интизомий жазоларни қўллаш ҳақида** тизимида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлари бўлган тегишли вазирлик ва идораларга **тақдимнома киритади;**

олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар раҳбарларининг (ректор, директор) илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор ва директор ўринбосари Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ тизимида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлари бўлган тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарининг буйруғига асосан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Вазирлик билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар нуфузли хорижий университетлар ва илмий марказлар билан илмий-инновацион соҳада икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Вазирлик бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилсин.

14. Мазкур фармон ижросини самарали ташкил этишга маъсул ва шахсий жавобгар этиб инновацион ривожланиш вазирлиги И.Ю.Абдурахмонов белгилансин.

Фармон ижросини **ҳар чоракда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун маъсул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **2022 йил 1 январга қадар** ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. ММРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 1 апрель

Оқлов

Ҳақиқатнинг

нинг 17 август куни А.Ишимов иштирокида "Чоршанба деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамиятига қарашли мол бозорига мониторинг ўтказди. Худди шу куни Бахмал тумани давлат солиқ идораси ходимлари ҳам бозорда мониторинг ўтказиб, 8 миллион сўмлик тушум кирим қилинмагани ҳақида далолатнома тузишди. Бозор фаолиятидаги бу каби камчиликлар навбатдаги мониторингларда ҳам аниқланади.

Шундан сўнг Нурпўлат Турсунов муаммони қандай ҳал этиш ҳақида ўйлаб бошлади. Бироқ у қонуний йўл тутиш ўрнига тўхтаб ва фирморликни танлайди. У дастлаб ўртоғи Самараддин Отабековнинг янғаси Л.Жўрабоева орқали А.Ишимов билан муроғаса келгандек бўлади. Яъни у бузилган боғ учун етказилган зарарни тўлаша рози бўлади ва бир неча кундан сўнг 30 миллион сўмни С.Отабековга, С. Отабеков янғаси Л.Жўрабоевага, у эса З.Умурзоқовага юклатилади. З.Умурзоқова 2019 йил-

◀ (Бошланиши 1-бетда)

лар нусхалари яна тақдим этилса-да, Н.Турсуновга нисбатан чора қўрилмаётгани, ундан етказилган зарарни ундириш, давлат ерларини талон-торож қилиш каби қонунбузилиши ҳолатларига барҳам бериш, ерларни ҳақиқий эгасига қайтариш чораларини қўриш сўралган эди.

Ниҳоят, шундан сўнг Н.Турсуновга нисбатан Жиноят кодексининг 192¹¹-моддаси 2-қисми "а" бандига асосан жиноят иши қўзғатилади. Афсуски, 2017 йилнинг 27 июнидан 2020 йилнинг 25 январига қадар ўтган икки ярим йилдан ортқ вақт мобайнида терговчилар томонидан жиноятларнинг кам аҳамиятлилиги, жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетгани, жиноят тарихи мавжуд эмаслиги сингари қатор вазилар билан мазкур жиноят иши ўн марта тугатилган.

Ишнинг аччиқ ичакдек қўзилганидан тоқати тоқ бўлган А.Ишимов 2018 йилнинг 15 октябр ва 2019 йилнинг 3 январ куллари Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш "Эзгулик" жамиятининг Жиззах вилояти бўлимига мурожаат этди. У биринчи аризасида Н.Турсунов ақин қариндошлари номига тўртта фермер хўжалиги ташкил этиб, уруғлик, ёқилги, минерал ўғитларни давлатдан имтиёз-

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусий мулк бошқаруш шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Шу асосда юртимизда хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга оид бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Бунда, айниқса, 2020 йил 23 декабрда "Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилингани алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур қонун аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан амалдаги бир қатор қонун ва меъриий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Бундан кўзланган асосий мақсад — хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Узоқ йиллардан буён ижтимоий ҳаётда баъзан адолатсизликка учраган мулкдорларнинг тақдири турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётганлиги. Мулкдорлар ҳуқуқлари бундан буён ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди, десак, тўғри бўлади.

Чунки ушбу қонунга мувофиқ, ўтган йилнинг 23 декабрдан бошлаб ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Муҳофизат ва давлат хавфсизлиги, муҳофизат этилатгани табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқроқ шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш; фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш; автомобиль ва темир йўллар, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темирйўл транспорт объектлари, кўприклар, метрополитенлар, туннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш;

аҳоли пунктлари бош режаларининг Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан объектларни қуришга оид қисмини ижро этиш мақсадида, шунингдек, қонунларда

ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тутилган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Мулкдорлар ҳуқуқларининг чинакам кафолати яратилар экан, амалдаги Ер кодекси ҳам ўзгартиришлардан четда қолгани йўқ. Унга қўра, эндиликда ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишчан халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарори ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарор устидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Қорхоналар, бинолар ва

лар киритилди. Унга қўра:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорни фақат адлия органларининг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда қабул қилинади.

Ер участкасини олиб қўйиш ташаббускори ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг мулкдори ўрта-масининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарор устидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Қорхоналар, бинолар ва

нинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопланмагунга қадар йўл қўйилмайди.

Давлат органлари уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дарахтларнинг мулкдорини қабул қилинган қарор тўғрисида бузиб ташлаш бошланганда камидан олти ой олдин, билдиришмомага тегишчан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорининг кўчирма нусхасини илова қилган ҳолда ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Олиб қўйилаётган ер участкаларидаги уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-

қаражатларини қоплаб бериш тўғрисидаги келишув мажбурий равишда нотариал тартибда тасдиқланиши лозимлиги ҳақидаги нормалар шу пайтга қадар қонунчиликда мавжуд эмас эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан ушбу қонунда давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсиз эканлиги белгиланди. Эндиликда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги ҳамда бекор қилинмаслиги хусусий мулкнинг ҳақиқий кафолатига айланади.

Бундан ташқари қуйидаги кўчар ва кўчмас мол-мулк, яъни:

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштирилган қорхоналарда давлат мол-мулкни хусусийлаштиришни амалга ошириш пайтида тасарруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланишга берилган кўчар ва кўчмас мол-мулк давлат тасарруфидан чиқарилган ҳамда хусусийлаштирилган қорхоналарнинг мол-мулки деб эътироф этилиши белгиланди.

Қонунга мувофиқ, давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно.

Бундай буён давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш, ҳақиқий эмас, деб топиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш тақиланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиши кучайтириш, уларга янада қулай шарт-шароитлар яратишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, ўз навбатида, хусусий мулкчиликнинг иқтисодийни ривожлантиришдаги ҳиссасини янада оширади.

Бу борада қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мукамаллиги ва ошқоралиги, давлат органлари ва ташкилотларига муносабат қилувчиларга янада кенг қулайликлар яратиш мақсадида аҳолининг барча қатламлари учун кўрсатилган интерактив хизматларни кенгайтириш, фойдали дастурий таъминотларини амалиётга изчил татбиқ этиб бориш олдимизда турган устувор вазифадир.

Мақсудбек САИДОВ,
Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари



Кафолат
Мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатларининг такомиллаштирилиши

аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга хизмат қилади

иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инobatга олган ҳолда объект қуриладиган жой, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек, тегишчан вилоят ёки туман (шаҳар) ҳокими ёхуд Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олиши шарт.

Бундай тарзда келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялаштиришга йўл қўйилмайди.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек, ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган янги қонун билан амалдаги "Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга ҳам бир қатор қўшимча ва ўзгартиш-

фойдаси ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларини қоплаб бериш тўғрисидаги келишув мажбурий равишда нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилишга олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектнинг мулкдорига келишувда, низо мавжуд бўлган тақдирда эса, суд қароридан белгиланган жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан, бой берилган фойдаси ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларни қопланганидан сўнг йўл қўйилади.

Ер участкасини олиб қўйиш ва уй, бошқа иморатлар, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлаш тўғрисидаги қарор аҳоли пунктларининг бош режаларига, шунингдек, туман жой даҳалари ҳамда кичик даҳаларини батафсил режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади.

Олиб қўйилаётган ер участкасидаги уй, бошқа иморатлар, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлашга зарар-

дарахтларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда хусусий мулк ҳуқуқи бекор қилинаётганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати ана шу мол-мулк бевосита олиб қўйилишидан олдинги пайтдаги ёки олиб қўйилиши ҳақидаги хабар мол-мулкнинг қийматига таъсир кўрсатган пайтдаги ҳолатга қўра, баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунга қадар амалга оширилиши мумкин эмас. Низонинг кўриб чиқишда мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари ҳам ҳал этилади.

Ер участкасини олиб қўйиш ташаббускори ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектнинг мулкдори ўрта-масининг олиб қўйиш муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан, бой берилган фойдаси ва қонунчиликда назарда тутилган бош-

қаражатларини алоҳида баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиши кучайтириш, уларга янада қулай шарт-шароитлар яратишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, ўз навбатида, хусусий мулкчиликнинг иқтисодийни ривожлантиришдаги ҳиссасини янада оширади.

Бу борада қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мукамаллиги ва ошқоралиги, давлат органлари ва ташкилотларига муносабат қилувчиларга янада кенг қулайликлар яратиш мақсадида аҳолининг барча қатламлари учун кўрсатилган интерактив хизматларни кенгайтириш, фойдали дастурий таъминотларини амалиётга изчил татбиқ этиб бориш олдимизда турган устувор вазифадир.

Мақсудбек САИДОВ,
Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари

Узоқ йўли

ёхуд миси чиққан Фирромлик



Қўлма-қўл бўлган пул охири А.Ишимовага етиб боради.

Аслида бундай ғалати "усул" ака-ука Турсуновларнинг олдиндан ўйлаб қўйган пинҳона режаси эди. Пул А.Ишимова қўлига теккандан сўнг Нурпўлатнинг укаси Шахриёр Турсунов Ғаллоқор тумани ички ишлар бўлимига Л.Жўрабоевадан 35 миллион сўмни қайтариб олишга ёрдам бериш ҳақида мувожабат қилади. Ажабланарлиси шундаки, ана шу аризага асосан Асрор Ишимов ва Зифа Умурзоқовага нисбатан товламачилик айби билан жиноий иш қўзғати-

лади. Аниқроқ айтганда, етказилган зарар учун товон сифатида берилган 30 миллион сўм товламачилик жинояти предметида "айлантирилади". Энг қизиги, жиноят ишидаги Ш.Турсуновнинг аризасида пул миқдори 35 миллион, терговчининг қароридан 37 миллион сўм тарзида кўпайтирилиб кўрсатилган бўлса, кейинги ҳужжатларда бу миқдор 30 миллион сўмга камайtirилган. Шу тарзда З. Умурзоқова ва А.Ишимова айблаган қаратилган ҳолда ноҳилис ўтказилган тергов хулосаси биринчи босқич судига юборилган. Суд эса, судланувчиларни Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб тоғани. Табиийки, суд ҳукмидан қоронги бўлган судланувчилар кассация шикояти ёзишди. Кассация судлов ҳайъати дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказган терговчи ва ишни

қўрган суд томонидан айбланувчи — судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар ўз кўрсатмаларини мунтазам ўзгартирган, уларнинг бир-бирига мутлақо мос келмаслиги, судланувчиларни ҳам қоралайдиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларнинг қонун талабларини асосида холисона текширилмагани, тушунтириш хатлари, баёнотлар, кўрсатмалар мазмунига тўғри ҳуқуқий баҳо берилмагани ҳолатларини қонун талабларини кўпол тарзда бузиш деб ҳисоблади.

Кассация судлов ҳайъати А.Ишимова-нинг аризалари бўйича текширишлар ўтказган мутахассисларни ҳам суд жараёнига жалб этди. Хусусан, "Ишонч-маслаҳат" солиқ маслаҳати ташкилоти раҳбари Ф.Тожиқулов ўрганиш давомида А.Ишимова ва бошқаларнинг аризасидаги барча ваҳлар ўз тасдиғини топгани, И.Турсуновнинг раҳбарлигидаги "Чоршанба деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти, "Жасурбек Воҳидбек", "Шухрат — 1", "Ғоипов Шухрат", "Ақбар Худойбердиев", "Шорасул Беккулов" фермер хўжаликлари фаолиятида бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани ва давлат бюджетига зарар етказилгани ҳақида маълумот берди.

Суд муҳокамасида текширилган ҳолатлардан маълум бўлдики, дастлабки тер-

гов ҳаракатларини амалга оширган тергов органлари ва мазкур ишни биринчи босқич суди мажлисида қўрган суд З.Умурзоқова ва А.Ишимованинг ҳаракатларида товламачиликнинг бирон-бир белгиси аниқланмаган бўлса-да, уларга нисбатан қонуний ва асоссиз хулосага келган. Шу боис судлов ҳайъати қонун талаблари ва Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, З.Умурзоқова ва А.Ишимова-ни Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан оқлади.

Бундан ташқари Н.Турсуновнинг жиноят содир этган-эتماганини ҳар томонлама, синчиклаб ва холисона текшириш, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланган тақдирда, унинг жиноий жавобгарлигини қонуний ҳал этиш масаласини кўриб чиқиш бўйича Жиззах вилояти прокуратурасига тақдимнома киритди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, қонун озаклиги ва тарафқилиб билан муроса қилмади. Юқорида баён этилган фирром "ўйин" тафсилотлари бунинг исботидир.

Нуриддин ТҶУЛИЕВ,
Жиззах вилояти суди судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Қонун кўмағи

Ҳамшира ишли бўлди

суд жавобгарга ногиронни ишга қабул қилиши мажбуриятини юклайди



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу тоифадаги шахслар Бандликка кўмаклашиш марказининг йўлланмаси асосида захирага қўйилган иш ўринларидан ишга жойлаштирилади. Йўлланма билан ишга борган муҳтожларни ишга қабул қилишни рад этиш гайриқонуний хатти-ҳаракат ҳисобланади.

Навоий шаҳри аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори Т.Шомурзаева (исм-шарифлар ўзгартирилди)нинг манфаатларини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мувожаат қилди. Маълум бўлишича, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ижтимоий химояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган, ногиронлиги бўлган Тамара Шомурзаевани 2020 йил 10 декабрдаги 19-сонли квота йўлланмаси билан Навоий вилояти Наркология диспансерига ишга юборган. Бироқ диспансер мутасаддилари "бўш иш ўрни мавжуд эмас", деган ваҳ билан уни ишга қабул қилмаган.

Аслида Навоий шаҳри ҳокимининг 2019 йил 30 сентябрдаги "2020 йилда ижтимоий муҳофизатга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шартларда рақобатлаша олмай-диган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисида"ги 787-сонли қарорига асосан диспансер-да бу тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун битта иш ўрни банд қилиб қўйилиши, квота асосида юборилган шахсни ишга қабул қилиш шарт эди. Шу боис даввогар Наркология диспансери мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатини гайриқонуний деб топиш, улар зиммасига ногиронлиги бўлган Т.Шомурзаевани мақбул келадиган ишга қабул қилиш мажбуриятини юк-лашни сўраган.

Суд мажлисида Навоий шаҳри Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази вакили, меҳнат ҳуқуқ инспектори давво-ни қўллаб-қувватлади. У Навоий шаҳри ҳокимининг 2019 йил 30 сентябрдаги 787-сонли қарорига асосан диспансерда ижтимоий химояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган ногиронлиги бўлган шахслар учун битта иш ўрни банд қилиб қўйилиши белгилангани, бу қарор мажбурий кучга эга экани, қолаверса, диспансерда 2019 йил 25 декабр кун 54-сонли буйруқ чиқарилиб, унда ногиронлиги бўлган шахслар учун битта иш ўрни банд қилиш белгилаб қўйилгани, бироқ иш ўрни банд

қилинмасдан қолганини таъкидлади.

Суд мажлисида Тамара Шомурзаева болаликдан иккинчи гуруҳ ногирони экани, Навоий тиббиёт коллежида ҳамширалик иши бўйича ўқишни тамомлагани, квота йўлланмаси билан Наркология диспансерига ишга жойлаштириш учун боргани, лекин ишга қабул қилишмаганини маълум қилди.

Суд мажлиси жараёнида диспансернинг ходимларга оид буйруқлари кўздан кечтирилганда, бўш иш ўрни ва уни банд қилиб қўйишга имкон бўлгани аён бўлди. Хусусан, диспансер бош врачининг тегишли буйруқлари билан тўртта бўшаган 0,25 штат бирлиги бошқа ходимга қўшиб берилган ва битта штат бирлигида ишлаб келадиган ходим бола парварариши билан боғлиқ таътилга чиқарилгани ҳолати аниқланди. Бундай ҳолатда жавобгар Т.Шомурзаевани ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад қилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 270⁵-моддасига қўра, суд низолаштилаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд қаракатлар (харакатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканини ҳамда даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас, деб ёхуд қаракатларни (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Суд ушбу қонун талабига асосан даъво аризасини қисман қаноатлантириб, фуқаронинг ишга қабул қилиниши асоссиз равишда рад этилган деб ҳисоблади, мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатини гайриқонуний деб топди ва Наркология диспансерига Т.Шомурзаевани ишга қабул қилиш мажбуриятини юклайди. Бундан ташқари диспансер бош врачига нисбатан хусусий ажрим чиқарилиб, жавобгар ҳисобидан давлат фойдасига 223 миң сўм давлат божи ундирилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ижтимоий химояга муҳтож тоифадаги шахсларнинг меҳнат қилиши, жамият ҳаётида фол иштирок этиши учун ҳуқуқий кафолат яратилган. Бундай инсонпарварлик тамойили ижтимоий адолатни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

НОДИР РАСУЛОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Қармана туманлараро суди раиси

Жиноят ва жазо

Қарздан қутуламан деб

23 ёшли йигит икки кишининг умрига зомин бўлди

Умр яратганининг бандаларига берган бебаҳо инъомидир. Шу боис ўзга шахсни тириклик неъматидан бебаҳра этиб, унинг ҳаёт шамини бевақф ўчирришга ҳеч ким ҳақли эмас. Буни Бош қомусимизнинг 13-моддасида қайд этилган "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деган конституциявий қоида ҳам тасдиқлайди.

(Давоми 4-бетда) ▶


Журналнинг ilk саҳифалари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқи билан очилган. Олий Мажлис Сенати Раиси Танила Норбоевнинг "Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият" сарлавҳали мақоласида Президентимиз нутқида нафақат халқимиз, балки бутун инсониятнинг фаровон келажагига хизмат қиладиган муҳим мақсад ва вазифалар ўз ифодасини топгани таъкидланган.

Мутлола

Муҳим маълумотлар манбаи

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 1-сон саҳифаларида

Ушбу сонда "2021 йил — Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломамлигини мустақамлаш йили" мавзусига кенг ўрин берилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси А.Аслонов, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари бўйича қўмитаси аъзоси Э.Боситхонова, академик Қ.Абдурахмонов, Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Т.Москалькова ва бошқаларнинг мақолаларида ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, коронавирус пандемияси шароитида аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш масалалари атрофлича таҳлил қилинган. Бундан ташқари "Жамият ва ҳуқуқ", "Халқаро ҳуқуқ", "Тарих саҳифаларида" каби рўқналардаги мақолаларда янги Ўзбекистон сайлов қонунчилиги, парламент дипломатияси, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари, нодавлат нотижорат ташилотларининг фаолияти ҳақида сўз юритилган.



миёт ва ҳуқуқ", "Халқаро ҳуқуқ", "Тарих саҳифаларида" каби рўқналардаги мақолаларда янги Ўзбекистон сайлов қонунчилиги, парламент дипломатияси, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари, нодавлат нотижорат ташилотларининг фаолияти ҳақида сўз юритилган.

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Аммо Ўзбекистон туманида яшовчи Равшанбек Мирзаёқубов бўйнидаги қарзидан қутулиш мақсадида қабих жиноятга қўл урди. Устига-устак танишлари Фазлиддин Толипов ва Собиржон Останакүловни ҳам ўзининг жиноятига га шерик қилди.

Тергов ва суд жараёнида аниқланишича, Равшанбек автоташувида киракашлик қилар, баъзида эса, қассобчилик билан ҳам машғул бўларди. Бироқ топганини расамати билан сарфламагани боис кўлида пул турмасди. Шунинг учун 2019 йилнинг октябр ойи ҳолатига кўра, электр энергиясидан 16.000.000 сўм қарз бўлиб қолади. Оқибатда Махбурий ижро бюроси ходимлари унинг уйини электр тармоғидан узиб кетишади. Қолаверса, ўша пайтда Р.Мирзаёқубовнинг бошқа танишларидан ҳам қарзи кўпайиб кетиб, ҳақдорлар эшигини қоқиб келаверишади. Хисоблаб кўрса, жами қарзи 27.000.000 сўмга етиб қолган экан. Шунда "Нима қилсам бўларкин, бу қарз балосидан қандай қутулсам экан?" — деган ўй унинг фикри хаёлини эгаллаб олади. Охир-оқибат бирорта пулдор кимсанинга ўғирликка тушишни режалаштиради. Бу хусусда Фазлиддин ва Собирга айтганида, улар айна режани маъқуллашмайди.

Буни қарангки, ана шу жиноий қилмишни амалга ошириш учун бош қотириб юрган кунлари — 2019 йил декабрь ойининг бошларида у Қўқон шаҳрига, С.Останакүлов устачилик қилаётган бир хонадонга ёрдамчи боради. Уша дамда хонадонга кўшни бўлган Дўстмурод Халимовнинг шаҳарнинг энг обод маҳаллаларидан ҳовли сотиб олмақчидан хабар топади. "Ҳозирги пайтда шаҳардаги ҳовлиларнинг ўртача нархи

режалаштирганидан далолат беради. Хуллас, шундан сўнг улар анча берирокда ўғирликка тушиш учун қулай пайт пойлаб ўтиришади. Соат миллари 2020 йил 6 январь тунги 1³⁰ ларга етганда бояги ашёлар билан қуролланиб, боши ва кўлларига ниқоб кийиб, Д.Халимовнинг ҳовлисига девордан ошиб тушишади.

Жиноят ва жазо

Қарздан қутуламан деб

қар. Нима беш-олти йил "ўтириб" келмоқчимсан? — деб уни йўлдан қайтармоқчи бўлишди ошналари.

Лекин Р.Мирзаёқубовга бу насихатлар қор қилмади. Чунки у қандай йўл билан бўлмасин қарзидан қутулишни ўйларди. Шунинг учун янги йил байрами ўтган дастлабки кунларнинг бирида кечқурун Равшанбек Д.Халимовнинг кўчасига "разведка"га борди. Яъни Дўстмурод аканинг хонадони атрофида қузатув мемераси бори-йўқлигини билиб, текшириб келди. Ҳатто ўша уйга кўшнингнинг девори ва томи орқали тушишни ҳам мўлжаллади.

Шундан сўнг — 2020 йил 5 январь кунини у тунги соат 23⁰⁰ ларда "Matiz" автомашинасида Ф.Толипов ва С.Останакүловни Дўстмурод Халимовнинг хонадони яқинига бошлаб борди. Аммо бу гал Фазлиддин ҳам, Собир ҳам унга қаршилиқ қилишмади. Аксинча, Равшанга "беминнат" ёрдам бериш учун унинг ортитдан эргашиди. Энг қизиғи, у уйдан чиқаётганда скотч, аркон, уч жуфт кўлқоп сотиб олишни, шунингдек, қассобчиликда фойдаланадиган 2 дона пичоғини ҳам олишни унутмаганди. Бу эса, унинг мақсади фақатгина ўғирлик эмас, қаршиликка дуч келса, қотиллик қилишни ҳам

Фуқаролик қонунчилиги



Қарз — лафз демак унга хиёнат қилиб бўлмайди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Афсуски, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмати инженеринг компанияси билан "Йўл лойиҳа" масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган шартнома шартларига компания мутасаддиларининг амал қилмагани, яна аниқроқ айтганда, кўрсатилган хизмат учун давлат бюджетидан маблағни тўлашни пайсалга солиб келгани йўл-созларнинг сарсон-саргардон бўлишига сабаб бўлди.

Гап шундаки, тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан 2019 йилда вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмга қарашли бир қатор постларнинг қатнов йўллари, шунингдек, Каптархона қишлоғидан то Навшаҳар қишлоғигача бўлган 11 километрлик хўжалик йўли қайта таъмирланди. Йўлсозлар 1 миллиард 646 миллион 022 минг 769 сўмлик таъмирлаш ишларини тўла-тўқис адо эттишади. Бироқ буюртмачи инженеринг компанияси маъмурияти турли баҳоналарни рўқач қилиб, маблағни тўлашни пайсалга солиди.

Шундан сўнг "Йўл лойиҳа" масъулияти чекланган жамияти қарзни ундириш бўйича судга даъво аризаси қиритади.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 631-моддаси биринчи қисмига кўра, пудрат шартномаси тузган бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи) нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириши шарт. Буюртмачи эса, иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Агар қонун ҳужжатларига ёҳуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса,

ишни бажариш учун пудратчи таваккал қиладди.

Бюджет кодексининг 122-моддаси биринчи қисмида юридик мажбуриятлар иқтисод тасниф кодлари бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан рўйхатдан ўтказилиши белгиланган. Бироқ суд жараёнида иш бажарувчи ва буюртмачи ўртасида тузилган шартномалар газначилик бўлимасидан рўйхатдан ўтказилмагани маълум бўлди. Бу ҳолат масаланинг чигаллашишига сабаб бўлган.

Суд Иқтисодий процессуал кодексининг 66-моддаси биринчи қисми талабларидан келиб чиқиб, иш бўйича келтирилган далиллар ҳамда қонунчиликда назарда тутилган тартибда олинган маълумотларга таянган ҳолда "Йўл лойиҳа" масъулияти чекланган жамиятининг даъво талабларини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Натижада Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмати инженеринг компанияси ҳисобидан "Йўл лойиҳа" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 1 миллиард 646 миллион 22 минг 769 сўм асосий қарз ҳамда 32 миллион 920 минг 455 сўм давлат божи ундириладиган бўлди.

Ўқорида баён этилганлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, шартнома шартларига амал қилмаслик, бажарилган ишнинг тўловини ўз вақтида бермаслик оғир оқибатларга олиб келади. Баён этилган мисол бунинг ёрқин исботидир.

Асрор МАҲАММАДИЕВ,
Сурхондарё вилояти суди судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

ониб кетади ва ўрнидан туриб, Р.Мирзаёқубовни тепиб юборади. Бундан эса, "қахрамонимиз" баттар тутоқиб кетишига унга ҳам ташданиб, хонадон соҳибининг дуч келган жойига пичоқ санчаверади. Аммо бу билан ҳам қаноатланмай Манзура опанин бўйича Фарғона вилояти судида эса, ушбу иш кўриб чиқилди. Яъни суд Р.Мирзаёқубовни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "а, в, ж, и, п" бандлари, 164-моддаси 3-қисми "в, г" бандлари, Ф.Толиповни кодекснинг 97-моддаси 2-қисми "а, в, ж, и, п" бандлари, 164-моддаси 3-қисми "в, г" бандлари, С.Останакүловни кодекснинг 97-моддаси 2-қисми "а, в, ж, и, п" бандлари, 164-моддаси 3-қисми "в, г" бандлари билан айбдор деб топди. Шунга биноан, Р.Мирзаёқубовни умрбод, Ф.Толипов ва С.Останакүловга эса узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмида уларга Жиноят кодексининг 76-моддаси тартибида авф этиш тўғрисидаги илтимоснома билан муружаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилди.

23 ёшли йигит икки кишининг умрига зомин бўлди



Р.Мирзаёқубов қўлида пичоқни кўриб, Ф.Толипов "ақлингни йиғиб ол" дейди унга. Кошки эди ўша дамда Р.Мирзаёқубовнинг қўлогига ган кирса.

Шундан сўнг учовлон ҳовлидан уйга киришади. Шундан диванда улаб ётган шахс қимирлаб қолади. Буни кўриб, улар бирдан тўхташади. Сўнг диван ёнига бориб, одеяли устидан пичоқ санча бошлашади. Қутулмаган ҳамладан эсанкираб, бошини кўтарганда эса, жабранувчи Д.Халимовнинг турмуш ўртоғи Манзура Одилжонова эканини билиб қолишади. Кейин аёл дод солмаслиги учун баданининг яна дуч келган жойига пичоқ санчиди. Шу маҳал Р.Мирзаёқубов айбини уй-

нига олиб, ички ишлар бўлимига муружаат қиладди. Албатта, қилни қирқ ёрган қонун ҳимоячилари унинг кўрсатмалари асосида Фазлиддин ва Собирни ҳам тутиб келишади. Оқибатда қотил ҳамтовокларга нисбатан жиноят иши кўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судида эса, ушбу иш кўриб чиқилди. Яъни суд Р.Мирзаёқубовни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "а, в, ж, и, п" бандлари, 164-моддаси 3-қисми "в, г" бандлари, Ф.Толиповни кодекснинг 97-моддаси 2-қисми "а, в, ж, и, п" бандлари, 164-моддаси 3-қисми "в, г" бандлари билан айбдор деб топди. Шунга биноан, Р.Мирзаёқубовни умрбод, Ф.Толипов ва С.Останакүловга эса узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмида уларга Жиноят кодексининг 76-моддаси тартибида авф этиш тўғрисидаги илтимоснома билан муружаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилди.

Таассуф

Ҳаётда шундай қинғир ишлар бўладики, у ҳақда эшитган вақтимизда беихтиёр "Туппа-тузук йигит эди-ку, нима жин уриб номақбул ишларни қилибди?" — дея ҳайрон қоламиз. Аслида бунинг сабаби ўз вақтида тарбияда йўл қўйилган кемтикликка бўлиб тақалади. Суд амалиётида бунга мисоллар етарлича топилди.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг қора курсисидан ўтирган Акмал (исмлар ўзгартирилган) ҳақида уни таниган-билганлар яхши фикрларни айтиши мумкин. Унинг ўғирлик қилишини ҳеч ким кутмаган бўлса керак. Гап шундаки, у "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли корхонада кўриқчи лавозимда ишлаб, озми-кўпми ҳаммасабларининг ишончини қозона олган. Кунларнинг бирида ундан ҳаммасаб Тўрабек телефонига "Click" дастурини ўрнатиб беришни сўрайди. Телефон қай бундай хизматларни қандай ўрнатишни яхши тушунмаслигини айтиб, унга ўзининг телефони ва пластик картасини ташлаб кетади.

Бундан Акмал "унумли" фойдаланиб қолмоқчи бўлади. У ҳеч иккиланмай ўзининг телефонидаги "Oson" дастурига ҳаммасабнинг пластик картаси рақамларини ўрна-

тиб олади. Орадан тахминан 10 кун ўтгач, икки марта Тўрабекнинг пластик картасидан 5 миллион сўм миқдоридан пул маблағини ечиб олади. Сўнгра танишидан олган 4 миллион 500 минг сўм қарзини узайди. Лекин чучварани хом сананган Акмал суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди.

Хулоса шуки, ҳаёт йўллари мураккаб бўлиб, ҳамма унда учрайдиган муаммоларнинг тезроқ ҳал бўлишини истайди. Лекин бунда инсоннинг қай даражада вақтинча бўла олиши, ўзини назорат қилиши, мулоҳаза билан иш тутиши олган тарбиясига боғлиқ. Зеро, тарбия ҳаёт-мамонт масаладир.

Шерзод ЮЛДАШЕВ,
Музаффар КУКИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани суди судьялари

Қўшни Тожикистон Республикасидан Сурхондарё вилоятига яшовчи жияниникига меҳмонга келган Шукур Курбонов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ер участкаси сотиб олганда сарсонгарчиликка дуч келмаган деб ўйламаган эди...

Ўқимчи-қидирмиш

Қимматга тушган алдов

У Жарқўрғон туманида яшовчи жияни Бозорбой Жўрақуловникида меҳмондорчиликда ўтирган чоғида қизик гапни эшитиб қолди: — Тоға, олдинги гал келганингизда, шу атрофда сотиладиган ер участкаси бўлса, сураб-суруштиргин, пулини қанча деса ҳам, майли, келишамиз, деган эдингиз. Қўшни қишлоқлик Собир аканинг сотиладиган ер участкаси бор экан. Эртага шуни бориб кўрсак, нима дейсиз?

Эртаси кунни тоға-жиян Собир Маҳкамовнинг уйига боришди. Улар қисқа саломликдан сўнг қишлоқдан унча узоқ бўлмаган ер участкасини бориб кўришди. С.Маҳкамов 0,42 сотих ер участкаси келинига тегишлигини маълум қилди.

— Келиним ҳозир чет элга ишлагани кетган, яқинда ўзи ҳам келиб қолади, — деди у.

— Аммо агар ер участкасига харидор чиқадиган бўлса, савдолашиб, сотиб юбораверинг, пулига намунали уй-жойлардан олмақчиман, деб розилик берган. Агар савдолашмиш бўлса, ер участкаси сизники бўлади. Кадастр ҳужжатларини эса, келиним келгач, ўзининг гувоҳлигида расмийлаштириб берамиз.

Қисқа музокарадан сўнг савдо "пишди". 0,42 сотих ер майдони 18 минг АҚШ долларига сотилди.

Тез орада Ш.Курбонов ер участкасида дастлабки қурилиш ишларини бошлаб юборди. Ер участкасини ҳужжатлаштириш С.Маҳкамовнинг келини ҳали ҳам

Олим ТОҒАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Шеробод тумани суди раиси

Ҳеч кимга сир эмас, инсон эл-юрт олдида ҳамиша ёруғ юз билан юриши аввало унинг тарбиясига боғлиқ. Ҳар бир қадамни ўйлаб босиб, ўз-ўзини назорат қилиб бориш тарбия маҳсулидир.

Таассуф

Ўғрига айланган кўриқчи

Ҳаётда шундай қинғир ишлар бўладики, у ҳақда эшитган вақтимизда беихтиёр "Туппа-тузук йигит эди-ку, нима жин уриб номақбул ишларни қилибди?" — дея ҳайрон қоламиз. Аслида бунинг сабаби ўз вақтида тарбияда йўл қўйилган кемтикликка бўлиб тақалади. Суд амалиётида бунга мисоллар етарлича топилди.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг қора курсисидан ўтирган Акмал (исмлар ўзгартирилган) ҳақида уни таниган-билганлар яхши фикрларни айтиши мумкин. Унинг ўғирлик қилишини ҳеч ким кутмаган бўлса керак. Гап шундаки, у "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли корхонада кўриқчи лавозимда ишлаб, озми-кўпми ҳаммасабларининг ишончини қозона олган. Кунларнинг бирида ундан ҳаммасаб Тўрабек телефонига "Click" дастурини ўрнатиб беришни сўрайди. Телефон қай бундай хизматларни қандай ўрнатишни яхши тушунмаслигини айтиб, унга ўзининг телефони ва пластик картасини ташлаб кетади.

Бундан Акмал "унумли" фойдаланиб қолмоқчи бўлади. У ҳеч иккиланмай ўзининг телефонидаги "Oson" дастурига ҳаммасабнинг пластик картаси рақамларини ўрна-

тиб олади. Орадан тахминан 10 кун ўтгач, икки марта Тўрабекнинг пластик картасидан 5 миллион сўм миқдоридан пул маблағини ечиб олади. Сўнгра танишидан олган 4 миллион 500 минг сўм қарзини узайди. Лекин чучварани хом сананган Акмал суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди.

Хулоса шуки, ҳаёт йўллари мураккаб бўлиб, ҳамма унда учрайдиган муаммоларнинг тезроқ ҳал бўлишини истайди. Лекин бунда инсоннинг қай даражада вақтинча бўла олиши, ўзини назорат қилиши, мулоҳаза билан иш тутиши олган тарбиясига боғлиқ. Зеро, тарбия ҳаёт-мамонт масаладир.

Шерзод ЮЛДАШЕВ,
Музаффар КУКИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани суди судьялари

Қашқадарё вилояти суди жамоаси судья Ҳамид Бобоқуловга турмуш ўртоғи

Назира МУРАТОВАнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Козимджан КАМИЛОВ
- Бахтиёр ИСАКОВ
- Робохон МАХМУДОВА
- Холмўмин ЁДГОРОВ
- Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
- Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
- Икром МУСЛИМОВ
- Замира ЭСОНОВА
- Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

- Сардор ҲАМРОЕВ
- Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрқон кўчаси, 41-уй.
Манзилими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-415 Қўғоғ бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6553
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁵⁵.